

Ўзбекистон агросаноат мажмуи  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

## ҚЎШМА ҚАРОРИ

2019 йил “31” январ

№ 15-12 “с”

Тошкент ш.

2019 йил “12” апрел

№ 3

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2019-2021 йиллар учун тузилган Тармоқ келишуви тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Хайъати ҳамда Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсати

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2019-2021 йиллар учун тузилган Тармоқ келишуви маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг худудлар бўйича масъул ташкилотчилари, Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси, туман, шаҳар кенгашларига:

- ушбу тармоқ келишувининг барча бандларини амал қилиш муддати давомида бажарилишини жорий йилда амалга ошириш;

- ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномаларини тармоқ келишувлари билан мувофиқлигини таъминлаш;

- ташкилот ва муассасаларнинг умумий йиғилишларида ходимларни ушбу тармоқ келишуви билан таништириш;

- жойларда томонларнинг ҳамкорлигида ўқув семинарлари ва спорт тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;

- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларни аъзоликка қабул қилишда Республика кенгаши билан ҳамкорлик қилиш;

- тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномалари ижросини таъминлаш мақсадида тизимдаги бошланғич ташкилотларнинг масъулиятини янада ошириш вазифалари топширилсин.

3. Тармоқ келишувининг 2019 йилда бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Республика кенгаши комиссиялари зиммасига:

- ташкилот ва муассасаларда тармоқ келишуви билан жамоа шартномаларининг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг охириги тавсия қилинган макетларга мослигини ҳамкорликда ўрганиш ва қатъий назоратга олиш;

- жамоа шартномаларининг экспертизаси сифатини ошириш юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;

- ходимларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари, тренинглари ташкил этиш;

- ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Республика кенгаши Веб сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи Т.Санаевга ҳамда Республика кенгашининг Ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси З.Кулматовлар зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши раиси в.в.б.  
Т.Бозоров




Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Ж.Холжаев



**Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши  
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида ижтимоий-  
иқтисодий масалаларга оид 2019-2021 йиллар учун**

**ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**



**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (~~бундан буён~~ **Иш берувчи**) ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши (~~бундан буён~~ – **“Республика кенгаши”**) кейинги ўринларда **“Томонлар”** деб аталади.

Ушбу Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг IV боби асосида тузилган. У Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг барқарор ишлашини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини белгилаб бериб, тизимдаги қуйи ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларига ҳамда шу жамоанинг барча ходимлари ва касаба уюшмаси қўмиталарига ҳам татбиқ этилади. Шунингдек, иш берувчилар билан касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари учун асос бўлади.

2. Мазкур Тармоқ Келишуви Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари, 2002 йил 19 мартдаги “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишуви ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Томонлар қуйидагиларни амалга оширишни ўз зиммаларига олади:

-меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида тизимли ҳамкорликни таъминлаш;

-тизимдаги барча ташкилотлар раҳбарлари, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳуқуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси раисларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида ўқув-семинарлар ташкил қилиш, шунингдек, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва вакиллари билан давра суҳбатлари ташкил қилиш ҳамда ўқув семинарларига “Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари” мавзусида тренинглар ва тушунтиришлар олиб бориш;

-тизимда “Ишонч” телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан ходимлар билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш ишлари олиб бориш;

-тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда жамоа шартномаларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларининг киритилишига эришиш ва бажарилишини назорат қилишни.

3. Тизимда барча жамоа шартномаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини

тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарорининг тегишли бандларини киритилишини таъминланади.

4. Жамоа шартномаларини тузиш пайтида ходимлар учун белгиланадиган ижтимоий кафолатларни ушбу Келишувда белгиланганидан кам бўлмаслиги таъминланади.

5. Иш берувчининг барча таркибий тузилмаларида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орали меъёрий негизни ривожлантириш чоралари кўрилади.

6. Иш берувчи бошланғич касаба уюшмаси фаолияти учун зарур шароитлар яратиш, янги ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотини тузишга кўмаклашиш, турли тадбирларда иштирок этишга рухсат бериш ва бунда харажатларни иш берувчи маблағлари ҳисобидан қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Тизимда барча жамоа шартномаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарорининг тегишли бандларини киритилиши таъминланади.

8. Иш берувчи ва тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари меҳнат меъёрларини ишлаб чиқишда ҳамда ходимларнинг манфаатларига тегишли меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда касаба уюшмалари органлари билан ўзаро келишадилар.

9. Томонлар тармоқ ходимларининг турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимояланишини ошириш мақсадида мазкур Тармоқ келишуви мажбуриятларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун мунтазам равишда чора-тадбирларни амалга ошириб боришга келишиб олдилар.

10. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Меҳнаткашлар вакиллари тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур келишув мақсадларида Меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиладилар ва мазкур Келишувнинг 15 бандида кўрсатилган ҳимоя чораларидан фойдаланадилар:

- а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

## **II. Меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари**

### **11. Иш берувчи:**

-ходимларни меҳнат шартномасига асосан иш билан таъминлайди, уларга хавфсиз меҳнат шароитини яратади;

-ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100 - моддаси 2 - қисми, 1, 2 ва 6-бандлари, 106 - моддаси 2 - бандида кўрсатилган асосларда бекор қилинса, Иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни таклиф этади ва тизимдаги мавжуд вакант жойларга ишга жойлаштириш чораларини кўради;

-ходимни Иш берувчининг ташаббуси билан бошқа ишга вақтинча ўтказилган вақтда унинг бажарган ишига қараб, лекин аввалги лавозимидаги иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлайди;

- Иш берувчи ва тизимдаги қуйи ташкилотлар раҳбарларига Касаба уюшмалари томонидан киритилган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор тақдимномалари ўн беш кун муддат ичида кўриб чиқилиб, натижаси ҳақида хабар берилади.

12. Ходимларнинг меҳнат шартномасини касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

13. Тармоқ ташкилотларида ходимларнинг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади. Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **14. Меҳнат шартномаси:**

-корхона тугатилиши муносабати билан;

-корхона раҳбари билан тузилган Меҳнат шартномасини Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

-Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандига кўра Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда Касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олиш талаб этилмайди.

15. Касаба уюшма кўмиталари иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимномани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида 10 кун муддатдан кечиктирмай кўриб чиқадилад.

16. Касаба уюшмаси органларига сайланган ва асосий ишдан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколоти тугатилгандан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

17. Штатлар қисқартирилганда пенсияга чиқишлари учун икки йил ва ундан камроқ вақт қолган ходимларни бўшатилишида афзаллик ҳуқуқи берилади.

18. Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103 - моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмасалар, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлари Иш берувчи ҳамда тизимдаги қуйи ташкилотларда тузиладиган жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

19. Ходимларни аттестациядан ўтказишдан камида 2 ой олдин ходимлар огоҳлантирилади, камида 1 ой олдин тахминий саволлар билан таништиришни назарда тутувчи қоидалар, шунингдек аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом Республика кенгаши билан келишиб тасдиқланади.

20. Тармоқда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш, ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни ишга жойлаштиришга эътиборни қаратиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш ишлари амалга оширилади.

21. Иш берувчи тизимдаги корхона ва ташкилотларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича Дастурлар ишлаб чиқиб, Дастурда

ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва кўллаб-қувватлашни қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларининг амалга оширилишини таъминлаб боради.

### **III. Иш вақти ва дам олиш вақти**

**22.** Тармоқ ходимлари учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Иш кунининг бошланиши ва тугаш вақти тизимдаги барча қуйи ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари меъёрларида белгилаб қўйилади.

**23.** Ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ходимга тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, Иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

**24.** Дам олиш ва байрам кунларида ходимларни ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши ёки буйруғи бўйича ишлаб чиқариш заруриятларидан келиб чиққан ҳолда айрим ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга, жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ўрнатилган тартибда йўл қўйилади.

**25.** Барча ходимларга ҳар йили 15 иш кунидан кам бўлмаган муддатда меҳнат таътили берилади. Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тизимдаги корхоналарнинг жамоа шартномаларида белгиланади.

**26.** Меҳнат таътили учун ҳақ меҳнат таътили бошланишидан камида уч кун олдин амалга оширилади.

**27.** Календарь йили бошлангунга қадар барча таркибий бўлинмаларда касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда жорий йил учун меҳнат таътили жадваллари тузилади. Жадвал бўйича белгиланган таътилдан фойдаланиш вақти ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

**28.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қўйдаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

-Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153 - сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатига асосан, ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича ҳисобда турган ходимларга;

- бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;
- ишлаётган пенсионерларга.

Бошқа ҳолатлар корхоналарда тузиладиган жамоа шартномаларида имкониятлардан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.

**29.** Ходимларга қуйидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча меҳнат таътиллари берилади:

- фарзанд туғилганида отага икки иш куни;
- оила қуриш муносабати билан уч иш куни;
- яқин қариндошларининг дафн маросимига уч иш куни.

Яқин қариндошлар деб: ходимнинг ота - онаси, ака - укалари, опа - сингиллари, фарзандлари, эри (хотини), шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳисобланадилар.

**30.** Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

**31.** Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра ўн тўрт календар кунидан кам бўлмаган ҳолда иш ҳақи сақланмаган таътиллار берилади:

- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига;
- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга.

Шунингдек, бетоб яқин қариндошларидан ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандларини парваришлаётган шахсларга, уларнинг илтимосига кўра Иш берувчи билан келишган муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

**32.** Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллارнинг муддати икки ҳафтадан кўп бўлмаган даврини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшилади.

#### **IV. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

**33.** Иш берувчи тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига кўра амалга оширилади. Ягона тариф сеткаси бошланғич разряди сифатида биринчи разряд белгиланади ва амалдаги тариф коэффициентлари, шунингдек тариф ставкаларини энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тартиби сақлаб қолинади. Иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши таъминланади.

**34.** Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармониغا асосан белгиланган тартибда ошириб борилиб, меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлайди.

**35.** Меҳнат кодексининг 161-моддаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш тизимидаги корхоналарда иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ берилиши учун иш берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади. Мазкур меъёр барча жамоа шартномаларига киритилади.

**36.** Хизмат сафари давридаги харажатлар иш берувчи томонидан жамоа шартномаларида белгиланган миқдорда тўланади.

Меҳнат кодексининг 172-моддасида кўзда тутилган тартибда, ходим агарда иш берувчининг таклифига кўра бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланади:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

**37.** Ходимларнинг иш ҳақидан қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-15 сонли

Раёсат қарори билан “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшма органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби”га кўра иш олиб борилади.

**38.** Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатилиши жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

**39.** Жамоа шартномаларида белгиланадиган барча турдаги моддий ёрдамлар бериш ходимларнинг шахсий аризалари асосида (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно), ташкилотнинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, буйруқ билан расмийлаштирилиб, амалга оширилади. Шунингдек, ушбу моддий ёрдамларни тўлашда ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳар бир моддий ёрдам тури бўйича асословчи ҳужжатлар, яъни гувоҳномалар нусхалари, тиббиёт муассасаларидан олинган касалликни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бахтсиз ходисани тасдиқловчи далолатнома нусхалари олиниши зарур.

**40.** Иш берувчи ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалар бўйича тўловларни тўлашни кафолатлайди.

**41.** Тизимда ишловчи ногиронлиги бўлган шахслар учун Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган барча имтиёзлар яратиб берилади.

**42.** Иш берувчининг кўрсатмасига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади. Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади - мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланади ёки қўшимча дам олиш вақти берилади.

**43.** Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда иш берувчи ҳисобидан тўланади.

**44.** Иш берувчи тизимдаги қуйи ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотларини тузишга кўмаклашиб, уларнинг фаолияти учун керакли шароитлар яратишда ҳамкорлик қилади.

## V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

**45.** Ходимлар меҳнат вазифаларини меҳнат шартномалари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарадилар.

**46.** Барча меҳнат вазифаларини сидқидилдан бажарган, самарали натижаларга эришган ходимларни ташаккурнома, қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирлаш, тизимда турли номинациялар бўйича унвонлар бериш, давлат ва тармоқ мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантирилади.

**47.** Меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жазоларни қўллашга белгиланган муддатлар (Меҳнат кодексининг 182-моддаси) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

**48.** Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

**49.** Тизимида ишчи-ходимларга нисбатан меҳнат интизоми шартларининг қўлланилишини Меҳнат кодексининг 174-184-моддалари ҳамда мазкур келишувга киритилган талабларга асосан амалга оширади.

**50.** Иш берувчи ходимлар ўртасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш,



жойларда низоларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўриб боради.

## **VI. МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

**51.** Томонлар, ижтимоий шериклик тамойилларини тан олган ҳолда, Келишувни бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар.

**52.** Якка меҳнат низолари “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 12.01.2015 йилдаги 20-66 “с”-сонли ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 15.01.2015 йилдаги 01-СП-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Якка меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар” асосида ишлаб чиқилган Низом асосида кўриб чиқилади.

**53.** Жамоаларга доир меҳнат низолари ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

**54.** Якка меҳнат низолари комиссиялари ходимларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли жавоб берадилар.

## **VII. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ**

**55.** “Иш берувчи” Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунларга, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ корхоналарда хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиб беради.

**56.** Ташкилотларнинг жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси тадбирларига (ҳар йили) зарур маблағларни ажратилишини таъминлайди. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузилишини, ундаги тадбирларга зарур миқдордаги маблағларни ажратилишини ҳамда уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди.

**57.** Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли Қарори билан тасдиқланган “Корхоналар ва ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини тузади ҳамда уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

**58.** Ташкилотлар ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

**59.** Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

**60.** Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

**61.** Ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тайёрланиши, қайта тайёрланиши, малакаси оширилиши ва билимлари текширилишини ташкил этади.

**62.** Ташкилотларга барча янги ишга кираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари хамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этади.

**63.** Ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши хамда ҳисобга олинишини ташкил этади.

**64.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 263-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ аттестациядан ўтказишни таъминлайди.

**65.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 214-моддаси ва Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талабларига риоя қилган ҳолда ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш, бунда ходим чиқимдор эмаслиги ҳақида эслатиб ўтади.

**66.** Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун Меҳнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

**67.** Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилишни ташкил этади.

**68.** Касаба уюшма органлари барча босқичларда меҳнат муҳофазаси, шунингдек иш берувчилар томонидан бу борада ўз мажбуриятларини бажарилаётганлиги устидан назорат қилади.

**69.** Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади.

**70.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисида”ги 60-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнатда жабрланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга бир йўла ва ойма-ой тўланадиган нафақаларни хамда бошқа тўловларни тўланишини таъминлайди.

**71.** Касаба уюшмаси кўмиталарини ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш хамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этишини таъминлайди.

**72.** Республика кенгаши билан “Меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини олдини олиш” бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш хамда унинг бажарилишини таъминлайди.

73. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажариши ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини кўриб чиқади ва тегишли чораларни кўради.

74. Ташкилотларнинг тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан” ўтказиладиган республика кўрик-танловида иштирок этишини таъминлайди.

75. Норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия тузилади.

76. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 31-моддаси (янги таҳрири)га мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Шунингдек, иш берувчи касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларини ўқитади ва рағбатлантиради.

77. Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

78. Томонлар ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

## **VIII. ИЖТИМОЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР:**

79. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган оилаларга, болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

80. Ишлаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш мақсадида, Иш берувчи ва Республика кенгаши ўзаро келишилган ҳолда зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

-ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширилишини таъминлаш;

-ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш;

-кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш.

81. Иш берувчининг айби билан меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар-ногиронларни, кам таъминланган кўп болали ҳамда етим боласи бор оилаларни, узоқ муддат ишлаган, айни вақтда қаровсиз, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга моддий ва амалий ёрдам кўрсатилади.

82. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларида ва болалар оромгоҳларида соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмаларни иш берувчи ҳисобидан ташкил этиш масалалари Иш берувчининг молиявий шароитидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

## **IX. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

**83.** Иш берувчи тармоқда меҳнат фаолиятини юритаётган аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этади:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенциялар.

**84.** Аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш ҳамда улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш мақсадида:

- болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатади;

- тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга огирроқ ишлар ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш ўринларини ажратиш имтиёзларини беради.

**85.** Касаба уюшмалари билан биргаликда тизимдаги барча қуйи ташкилотларда тузиладиган жамоа шартномаларига аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш бўйича алоҳида бўлимлар киритилишига эришади.

**86.** Касаба уюшма қўмитаси аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиғи муҳофазаси бўйича ижтимоий дастурнинг бажарилишида Иш берувчига яқиндан ёрдам беради.

**87.** Томонлар биргаликда жойларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий савияси ва дунёқарашини ошириш мақсадида қизиқарли ва тарбиявий ўқув семинар-тренинглар ўтказилишини таъминлайдилар.

**88.** Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутадиган имтиёзлар киритилишини назорат қилади.

## **X. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

**89.** Тизимдаги корхоналар фаолиятида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида Томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

**90.** Томонлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (МК 116, 135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246 – моддалари);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (МК 103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257, 258-моддалари);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (МК 68, 103, 247<sup>1</sup>-моддалар).

**91.** Иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш ҳамда касб-ҳунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни Иш берувчининг тизимдаги қуйи ташкилотлари фаолиятига жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш мажбуриятини олади.

**92.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда, ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур бўлган кундалик иш вақтининг бошланиши ва тамом бўлиши ходимга мақбул вақти ўрнатилиши кафолатланади.

**93.** Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан, зарарли одатларга берилиб кетишларидан муҳофаза қилиш мақсадида давлат ва ҳуқуқ-тартибот органлари, республикада фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан ҳамкорликда ахлоқий-тарбиявий мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинади.

**94.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга қираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслигини таъминланади.

**95.** Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақирuvi захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойсиз судалар берилишига иш берувчи қўмаклашади.

**96.** Ҳар бир меҳнат жамоасида “Устоз-шоғирд” тизимини жорий этиб, бунда, таълим муассасаларини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимларга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш ҳамда Устоз ходимларни рағбатлантириш миқдорини жамоа шартномаларида белгилашни таъминлайди.

**97.** Касаба уюшма қўмитаси ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга қўмаклашиш, янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш ҳамда касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш учун иш берувчига таклифлар киритиш мажбуриятларини олади.

## **XI. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ОММАЛАШТИРИШ ИШЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ**

**98.** Мазкур масалаларда Томонлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

-тизимдаги ҳар бир ташкилотда маънавият ва маърифат хонасини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар билан таъминлаш;

-Иш берувчининг тасарруфида бўлган кутубхоналарни ташкилот ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларни янгилаб бориш;

-ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш;

-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадий ҳаваскорликни ривожлантириб боришни ҳар тарафлама қўллаб қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун жойлардаги музейларга ҳамда тарихий ёдгорликларга бой бўлган республикамиз ва унинг ҳудудларига саёҳатлар уюштириш;

-умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида турли мусобақалар, кўрик танловларини ташкил этиш;

-ходимлар, айниқса ёшларни касбий, маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий дунёқарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш;

- ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирларни касаба уюшма қўмитасининг тавсияси асосида ташкил этиш;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

-касаба уюшмаси фаолларини касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитишни ўз зиммасига оладилар.

**99.** Иш берувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш дам олдириш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратади.

**100.** Республика кенгашининг “Энг намунали бошланғич ташкилот” республика кўрик танловида тизимдаги ташкилотлар иштироки таъминланади.

**101.** Меҳнат таътили даврида ходимлар учун республикадаги санаторий ва дам олиш масканларида, ёзги таътил даврида ходимларнинг фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳларида хўжалик ҳисобидан соғломлаштириш ва дам олдириш ишлари ташкил қилинади.

**102.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар Иш берувчи тизимидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловлардан ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг соғломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофиқ равишда берилади. Томонлар тизимда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлса ёки янги ташкил этилса, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ва маблағ ажратилишини таъминлайди.

**103.** Томонлар тизимдаги ташкилотларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларига соғломлаштириш учун иш берувчи томонидан ўтказилаётган маблағлар ҳисобидан кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга бепул йўлланмалар ажратиш бўйича имтиёзлар киритилишини таъминлайди.

## **ХII. Келишувнинг амал қилинишида уни амалга ошириш механизми бажарилиши учун Томонларнинг жавобгарлиғи.**

**104.** Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар икки тараф унинг мақсадларини рўёбга чиқиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан оладилар ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этилишида ҳамкорлик қилиш мажбуриятини

оладилар ва тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашини тан олади.

**106.** Томонлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а).Ижтимоий меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Томонларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади;

б).Заруратга қараб, лекин камида йилда бир марта келишувнинг бажарилишини Томонлар, ҳамкорликда ўтказиладиган мажлисларда муҳокама қилиб боради ҳамда ушбу масала бўйича Иш берувчининг таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

в).Келишув бажарилишининг йиллик якуни тўғрисидаги ахборот ҳар икки томон вакилларида иборат бўлган комиссия томонидан тайёрланади ва Томонларнинг қўшма мажлисида муҳокама қилинади.

г).Келишувни тузган Томонлар уни барча меҳнат жамоаларига ва касаба уюшма органларига етказишни таъминлайди;

д).Тизимдаги қуйи ташкилотларни Республика кенгаши касаба уюшмасига аъзоликка жалб қилишида Томонлар ҳамкорлик қиладилар;

е).Тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари Корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

**106.** Ушбу Келишувнинг белгиланган муддати тугагач, тегишли йилнинг январь ойидан, тизимдаги қуйи ташкилотларда эса жамоа шартномаларини – март ойидан кечиктирмай тузишни таъминлайди.

**107.**Ушбу Келишувнинг тўлиқ ва аниқ бажарилиши учун Томонлар масъулдирлар. Шунингдек, Келишувнинг бирон-бир банди бажарилмаган тақдирда Томонлар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да Тошкент шаҳрида тузилган

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши раиси

Т.Бозоров



Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазири

Ж.Ходжаев

